



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 12-mart. Payshanba 29 (31.932)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ қашқадарёлик сайловчилар билан учрашди



10 МАРТ КУНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГ, ШИНАМ МАЖЛИСХОНАСИ САЙЛОВЧИЛАР ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИ. УЛАР ПРЕЗИДЕНТЛИККА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИГА КЕЛИШГАН. ТАДБИРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ 13-ҚАШҚАДАРЁ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ ИСМОИЛ ЖЎРАЕВ ОЧДИ. ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ, ЎЗХДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ ОЛИМ РАВШАНОВ ЙИФИЛГАНЛАРНИ НОМЗОДНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БИЛАН ТАНИШТИРДИ.

2

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ЎЗХДП фракцияси нодавлат таълим ривожланишини қўллаб-қувватлайди

■ ҲАР БИР ОТА-ОНА ФАРЗАНДИ ЯХШИ ЎҚИШИ, ИЛМИ, ОҚИЛ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИНИ ИСТАЙДИ. БУНИНГ УЧУН УЛАРНИ, ЯХШИ ТАЪЛИМ БЕРАДИГАН МУАССАСАЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ. ОДАМЛАРДА, АЛБАТТА, ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ БЎЛИШИ КЕРАК. ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ТАШҚАРИ, НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ҲАМ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ БУ БОРАДА АНЧА ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРАДИ, ЎЗИГА ХОС РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯРАТАДИ.



ЎЗХДП фракцияси навбатдаги йиғилишида биринчи ўқишда муҳокама этилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида бу борадаги имкониятларни янада кенгайтириш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, «Таълим тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги «Солиқ

маслаҳати тўғрисида»ги Қонунларга ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига, Олий Мажлиснинг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарорига таълим фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи нодавлат ташкилотларга ҳам берилиши бўйича тегишли ўзгартишлар киритилиши кўзда тутилмоқда.

2

Табиий монополия субъектларининг аҳолига такдим этадиган коммунал хизматлар нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзад Ҳотамжон Кетмоновнинг дастуридан

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Давлат дастури ижроси электорат манфаатларига хизмат қилади

Кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини янги босқичга кўтаришга доир ишлар самардорлиги оширилади, улар учун туман ва маҳаллаларда қизиқиши бўйича клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Барча маҳаллаларда оталар чойхоналари ташкил этилади ва уларда зарур шароитлар яратилади.



3

Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

17

КУН ҚОЛДИ

Бошланғич партия ташкилотлари

сайлов кампаниясини юқори даражада олиб боришда муҳим ўрин тутати

■ 29 мартга санокли кунлар қолди. Ҳаммамизга маълум, шу куни халқимиз, сайловчилар, сизу биз юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Президент сайловида овоз берамиз. Ҳар биримиз ўзимизга маъқул номзодни қўллаб-қувватлаймиз, муносабат билдирамиз, фаоллигимизни намоён этамиз.

Шу ўринда таъкиллаш керакки, фуқароларнинг сайловда фаол иштироки дейилганда, сайлов куни сайлов участкасига чиқиб, қайсидир номзодга овоз бериш жараёнигина тушунилмайди. Халқона қилиб айтганда, сайлов овоз бериш кабинасига кириб, сайлов варақасига белги қўйиб қайтишдан иборат эмас. Сайловда фаол иштирок этиш учун ҳар биримиз сайлов олди жараёнларида мунтазам қатнашимиз, номзодларнинг дастурлари, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида аниқ тушулча ва тасаввурга эга бўлиб, ундан кейин овоз бериш ҳақида ўйлашимиз керак. Шунда сайловда фаол қатнашган, фуқаролик бурчимизни бажарган бўламиз.

Шу кунларда сиёсий партияларнинг марказий органларидан то бошланғич партия ташкилотларигача сайловга қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Хусусан, ЎЗХДП тизимида сайловчилар орасига кириб бориш, тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда партия аъзоларининг сайлов бўйича сиёсий билим ва кўникмаларини ошириш,

Президентликка номзоднинг дастурини тарғиб қилиш жадал олиб бориляпти. Бу жараёнда партия бошланғич ташкилотларининг ўрни, фаоллиги, аниққас, муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий партиянинг нуфузини оширадиган муҳим воситалардан бири, шубҳасиз, унинг бошланғич ташкилотлари ҳисобланади. Чунки аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмаган партиянинг таъсир кучи ҳам, обрўси ҳам бўлмайди. Шунинг учун сайлов кампанияси даврида бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш, улар билан мустақам алоқа ўрнатиш ҳал қилувчи масалалардан саналади.

Ҳўш, сайлов жараёнларини ташкил этиш, тарғибот-тушунтириш ишлари самардорлигига эришишда ЎЗХДП бошланғич ташкилотлари қандай ўрин тутмоқда? Сиёсий жараёнлар тобора қизгин тус олиб бораётган ҳозирги шароитда улар қандай ишлаши керак?

Ана шу масалалар бўйича партия фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

► Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Сайлов кампанияси даврида

барча даражадаги партия ташкилотлари ишини ўзаро мувофиқлаштириш ва тизимли олиб бориш талаб этилади



■ Тошкент шаҳар Учтепа туманида Президентликка номзад Ҳотамжон Кетмоновнинг ишончли вакили сайловчилар билан учрашди

КУЧЛИ ИЖТИМОЙИЙ ҲИМОЯ —
АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куниЎзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!

ТАДБИР

■ Республика ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсил олаётган тингловчи қизлар ўртасида «Балли, қизлар» танлови финал босқичи ўтказилди.

Академия бошлиғи, генерал-майор Ш.Икромов танлов иштирокчиларини табриклаб, уларга муваффақият тилади.

«МАРДОНА ҚИЗЛАР» — ГОЛИБ

— Бу кўрик-танлов оилада олган тарбиямизни, Академияда эгаллаган билим ва кўникмаларимизни баҳолайдиган ўзига хос синов, — дейди «Мардона қизлар» жамоаси сардори, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, 2-ўқув курси тингловчиси Сарвиноз Шайдуллаева. — Чунки қиз бола, аввало, оёқ кўли чаккон, пазанда, озода, соғлом бўлиши керак.

Танловнинг олдинги уч босқичида қизларимиз 1- ва 3-ўқув курси тингловчиларининг «Академия маликалари» ва «Моҳитабон» жамоалари билан пазандачилик ва жанговар тайёргарлик маҳорати ҳамда 400 метрга югуриш эстафетаси борасида беллашиб, ўзларининг ҳар томонлама устунликларини намойиш қилдилар. Мана, бугунги якуний босқичда ҳам «Мардона қизлар» жамоаси танишув, Ватан мадҳи, савол-жавоб ҳамда иқтидор ва маҳоратни намойиш этиш шартлари бўйича ҳар икки жамоадан устунлигини кўрсатишди.

Танлов натижасига кўра, бош соврин «Мардона қизлар» жамоасига тақдим этилди. 2- ва 3-ўринга сазовор бўлган жамоаларга ҳам байрам гулдасталари ва эсдалик совгалари топширилди. Тадбирда таниқли эстрада хонандалари томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН
ёзиб олди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

■ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди республика ҳўжалик судлари тизимида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган танловни эълон қилади.

Танловга республика миқёсидаги газета, журнал, телевидение, радио-да ҳўжалик судлари соҳасидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий ҳўжалик суди матбуот котибига тахририят, телевидение, радио раҳбарияти ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда ўрта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақолалар,

кўрсатув ва эшиттириш муаллифининг тулиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт. Танловга 2015 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади. Танлов 25 декабрда якунланиб, голиблар матбуотда эълон қилинади.

Танлов голиблари:

1-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 1-даражали дипломи ва 1000000 (бир миллион) сўм миқдорида пул мукофоти;

2 та 2-ўрин учун Ўзбекистон

Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2-даражали дипломи ва 700000 (етти юз минг) сўмдан, жами 1400000 сўм миқдорида пул мукофоти;

3 та 3-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 3-даражали дипломи ва 500000 сўмдан, жами 1500000 сўм пул мукофоти билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй Олий ҳўжалик суди биноси.

Телефон: 277-94-82, электрон почта: press@oxs.uz



РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.

САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.

АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн.

Гарантия 1 год.

Телефоны:
(0-371) 262-97-78,
Факс: (0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17
www.avtokran.uz.
email: cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.

ОБ-ХАВО 12-13.03 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти

0 / -5 +8 / +13

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-2 / +3 +8 / +13

Тошкент, Самарқанд, Жиззах,

Сирдарё вилоятлари

0 / +5 +10 / +15

Қашқадарё,

Сурхондарё вилоятлари

0 / +5 +10 / +15

Андижон, Наманган,

Фарғона вилоятлари

0 / +5 +8 / +13

Тошкент шаҳри

0 / -2 +10 / +12

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVAUlug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOVSaidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.Г — 359
20995
nuxxada
bosildi.Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 21.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 7 7 2 0 1 0 7 4 3 3 0 8

1 2 3 4 5